



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА УНИНГ ХУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Усанов Камолiddин Зафаржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 2-ўқув курси 213-ўқув гуруҳи курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15095835>

ARTICLE INFO

Received: 20st March 2025

Accepted: 25th March 2025

Published: 27th March 2025

KEYWORDS

Ёшлар ишлари агентлиги,
профилактика, ҳудудий
бўлинмалар, ҳамкорлик,
самарадорлик.

ABSTRACT

*Мақола ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий
бўлинмалари ўртасида профилактика соҳасидаги
ҳамкорликни такомиллаштириш имкониятларини
кўриб чиқади. Ушбу ҳамкорликнинг самарадорлигини
ошириш ва ёшлар ўртасида ижтимоий-ҳуқуқий
муҳофаза механизмларини яхшилаш учун зарур
чора-тадбирлар тавсия этилган.*

Президентимиз 2022 йил 30 июнь куни “Янги Ўзбекистон” боғида Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган тадбирдаги нутқида ёшларга “Мен сиз, азиз фарзандларимдан бир нарсани сўрайман: тинимсиз ўқиб, замонавий билимларни эгаллашдан, кўнглингиздаги эзгу мақсадлар сари ҳаракат қилишдан, ҳеч қачон тўхтаманг” деб айтиб ўтдилар.

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистонда 30 июнь — «Ёшлар куни» деб эълон қилинди. Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида «Мард ўғлон» давлат мукофоти ва «Келажак бунёдкори» медали таъсис этилди.

Ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган бешта муҳим ташаббус амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ёшларда замонавий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва янги иш ўринларини яратиш орқали уларнинг бандлигини

таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёш авлодда мустақкам ватанпарварлик ғояси ҳамда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 декабрдаги мамлакат ёшлари билан учрашувида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди.

Куйидагилар Агентликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

– ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

– ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

– ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

– мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ;

Ёшлар – мамлакатнинг келажаги ва ривожланишининг асосий омилларидан биридир. Шундай экан, ёшларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий муҳофазаси давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилади, чунки улар ижтимоий ҳаётнинг фаол ва эркин қатнашчилари ҳисобланишади. Бу борадаги барча чора-тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун махсус давлат органи — Ёшлар ишлари агентлиги фаолият юритмоқда.

Ёшлар ишлари агентлиги ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга ижтимоий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, турли муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий ҳаётга актив равишда жалб қилишга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Ҳудудий бўлинмалар эса, агентликнинг марказий органининг қарорларини маҳаллий шароитларда амалга ошириш ва ёшларнинг муаммоларини маҳаллий даражада ҳал қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун профилактика иши жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ёшлар орасида ижтимоий-маданий, таълим ва бошқа соҳаларда муаммоларни бартараф этиш учун самарали ва тизимли профилактика

ишлари талаб этилади. Бунга эришиш учун ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг мустақкам бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июнь куни “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-4768-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан,

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ёшлар ҳаёти, орзу-интилиш ва муваффақиятларини кенг ёритиш, муаммо ва камчиликлари ечимига қаратилган кўрсатув, мақола ва эшиттиришлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида ушбу йўналишда фаолият юритувчи оммавий ахборот воситалари ва нашриётлардаги улушларини Агентликка бериш ҳамда Агентлик томонидан улар негизида акциядорлик жамияти шаклидаги «Yoshlar media holdingi»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватланди.

Агентлик уч ой муддатда «Yoshlar media holdingi» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиши топширилди.

Агентлик:

ёшлар йўналишида фаолият кўрсатувчи нодавлат ноижорат ташкилотларига ўз фаолиятини йўлга қўйиш, амалга ошириш ва ривожлантиришда ҳар томонлама ташкилий ва амалий ёрдам кўрсатиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чоратadbирлари тўғрисида» 2020 йил 30 июндаги

ПФ-6017-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2020 йил 30 июндаги

ПҚ-4768-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.09.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 550-сон қарори қабул қилинди:

Ушбу қарор билан:

Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги низом тасдиқланди:

Ёшлар ишлари агентлигининг ҳуқуқий мақоми ва тузилмаси;

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифалари ва функциялари, шунингдек, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари;

Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари, шу жумладан, директор ўринбосарларининг соҳа йўналишлари бўйича асосий вазифалари ҳамда жавобгарлиги;

Агентлик фаолиятининг ташкилий асослари, ҳисобдорлиги, фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари, ҳайъат ва бошқа маслаҳат, консультатив ва эксперт органларининг ҳуқуқий мақоми;

Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби белгиланди.

Шунингдек, қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари сифатида белгиланди:

ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсатини, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари!» ғояси атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиш;

ёшларга оид дастурлар, лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун ижтимоий буюртма шаклида ажратиладиган давлат грантлари ва субсидияларни тақсимлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан, илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган ёшларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

д) ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиш соҳасида:

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз иқтидор ва истеъдодларини тўлақонли намоён этишлари ҳамда имкониятларидан тўлиқ фойдаланишларига тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқади, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради;

ёшлар ўртасида салбий ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни кескин камайтиришга қаратилган, шунингдек, ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида иштирок этади;

Хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки, ҳозирги пайтда ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб муаммолардан биридир. Чунки келгуси ишларнинг давомчилари айнан ўсиб келаётган ёш авлоддир, улар давлатнинг келажагини белгилайди. Ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун, аввало уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашимиз ва бартараф этишимиз мақсадга мувофиқдир.

Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўртасидаги профилактика ва ҳамкорлик соҳасидаги самарали ишлар, ёшлар орасида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ишларни янада такомиллаштириш, ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойданалган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги 14.09.2016 йилдаги ЎРҚ-406-сон Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 30.06.2020 йилдаги ПФ-6017-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида 30.06.2020 йилдаги ПҚ-4768-сон қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.09.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 550-сон қарор
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон.
9. Қадамович Б. Ҳ. ХОТИН-ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 4. – С. 33-41..